ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА АҲОЛИ ИЖТИМОИЙ ҲОЛАТИ (XX АСРНИНГ 80 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

О.Бозоров
ҚўқонДПИ, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

XX асрнинг 80-йилларида собиқ Иттифоқ таркибидаги Ўзбекистонда халқ хўжалигининг барча соҳаларини қамраб олган инқироз кучайиб кетди. Ушбу инқироз республиканинг барча ҳудудларини қамраб олган бўлиб, у айниқса Фарғона водийси вилоятларида кескин тусда намоён бўлди. Мазкур даврдаги танглик ҳолатининг туб сабаб ва илдизлари совет ҳокимияти томонидан иқтисодий тараққиётнинг объектив қонуниятларига зид равишда олиб борилган сиёсат билан бевосита боғлиқ эди. Нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-миллий сиёсатдаги адолат тамоилининг бузилиши, бир ёқлама шовинистик сиёсат ижтимоий-иқтисодий, экологик ва бошқа қатор соҳаларда танглик ҳолатини келтириб чиқарди. Бу жараён аҳоли зич жойлашган Фарғона водийсида айниқса кескин тус олди.

XX асрнинг 80-йиллари бошларига келиб, Фарғона водийси вилоятлари қишлоқ хўжалигида инқироз бошланди. Умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистонга пахта етиштириш вазифаси топширилганлиги сабабли Фарғона водийсида пахта яккахокимлиги қарор топди.

Фарғона водийсида пахта тайёрлаш ҳажмини муттасил ошириб бориш мақсадида озуқа экинлари, мевали боғлар ҳисобига, шунингдек, янги ўзлаштирилган ерларга пахта экилиши туфайли XX асрнинг 80-йиллари бошида Фарғона водийсида экин майдонларининг 80-85 фоизи, айрим район ва хўжаликларда эса 90 фоизи пахта майдонига айланди[1.B.42]. Бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг тобора қисқариб бориши натижасида бир вақтлар ўзининг ажойиб навли мева-чевалари, полиз маҳсулотлари билан донг таратган Фарғона водийсида ушбу маҳсулотларни етиштириш камайиб борди. Хусусан, мева маҳсулотлари етиштириш Андижон вилоятида 1980 йилда 101,6 минг тонна, Фарғона вилоятида 84,4 минг тонна, Наманган вилоятида 85,2 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1988 йилга келганда, кескин пасайиш рўй бериб, тегишлича, 87,4 минг тонна, 67,6 минг тонна, 78,6 тоннани ташкил этди [1. С. 19, 56, 107.]. Аҳвол шу даражага бориб етдики, қишлоқ аҳолиси аввалги ўн йилликларда мева-чеваларни шаҳарга етказиб берган бўлса, энди бундай маҳсулотларни шаҳардан харид қиладиган бўлди[3].

XX асрнинг 80-йилларида қишлоқ хўжалиги экинларига яроқли ҳар гектар ердан 950-1000 сўмлик маҳсулот олинар, бу кўрсаткич эса Украинага нисбатан икки, Белоруссияга нисбатан тўрт, Молдавияга нисбатан олти баравар кам

миқдорни ташкил этарди [4]. Бу ҳолат Фарғона водийси қишлоқ хўжалигини пахта етиштиришга ҳаддан ортиқ ихтисослаштирилганлиги ва бошқаришдаги маъмурий-буйруқбозлик сиёсатининг оқибати эди.

Пахта яккахокимлиги шароитида мева ва сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш ҳам эътибордан четда қолган. Шунингдек, ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (мева, полиз ва сабзавот, узум ва бошқалар) сақлаш, ташиш ва қайта ишлаш соҳаларига етарли даражада маблағ ажратилмасди. Натижада ҳар йили етиштириладиган ҳосилнинг жуда катта қисми – 30-40 фоизи савдо корхоналари ва қайта ишлаш заводларига етиб бормай нобуд бўларди [5]. Бу ҳолат Фарғона водийсининг ҳар учала вилоятига хос бўлиб, ушбу ҳудуддаги ишсизлик ва қашшоқликни юзага келтирувчи асосий омиллардан бири эди.

Ўтган ўн йилликлар давомида Иттифоқ вазирликлари ва марказий идоралар томонидан қабул қилинган, илмий асосланмаган қарорлар Фарғона водийси халқ хўжалигига катта путур етказди, ниҳоятда зиддиятли муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлди. Натижада XX аср 80-йилларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида сарфланган маблағлар ҳам ўз самарасини бермади. Масалан, 1978-1988 йилларда Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалигининг тараққиёти учун 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бироқ ялпи маҳсулот олиш 1980-1985 йиллар ўртача кўрсаткичларига нисбатан 8,6 фоиз пасайиб кетди [6]. Шунингдек, Андижон вилояти қишлоқ хўжалигида сўнгги ўн йилликда асосий фондлар 2,4 марта, фонд билан таъминланиши 2,7 марта, энергия билан таъминланиш эса 60 фоизга кўпайди. Шунга қарамасдан, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш атиги 5,1 фоизга кўпайди, меҳнат унумдорлиги эса ҳатто 6,4 фоизга пасайиб кетди [7.B.54].

Қишлоқ хўжалигининг фақат пахтачиликка ихтисослаштирилиши узоқ вақтларгача Фарғона водийсида озиқ-овқат маҳсулотининг салмоқли қисмини берадиган корхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари ҳамда қишлоқ аҳолисининг томорқа ерларига эътибор берилмаслигига олиб келди. Ҳолбуки, аҳолини сифатли ва керакли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишида уларнинг аҳамияти катта эди.

XX асрнинг 80-йилларида ҳам корхона ва ташкилотларга қарашли ёрдамчи хўжаликларнинг 60 фоиздан ортиғи ер майдонига эга эмасди [8]. Уларга, асосан, ташландиқ ерлардангина жой ажратиб бериларди. Шу билан бирга, ушбу даврда пахта майдонларининг янада кенгайиши ёрдамчи хўжалик ихтиёридаги мавжуд ер ресурсларининг камайишига олиб келди. Жумладан, биргина 1986 йилда Наманган вилоятида 30 га яқин ёрдамчи хўжаликлар тугатилди. Натижада бу давр мобайнида барча турдаги чорва моллари ва паррандаларнинг бош сони камайди, сут ва тухум етиштириш камайиб кетди [9].

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни қийинлаштирган омиллардан яна бири уларга белгиланган давлат харид нархининг пастлиги эди. Бу ҳолат боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик, айниқса, картошка етиштириш каби муҳим тармоқларни ривожлантиришга жиддий тўсқинлик қилди. Натижада картошка ва бошқа мева, сабзавот маҳсулотларини бошқа ҳудудлардан келтиришга мажбур бўлинар эди [10]. Ҳолбуки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг четдан ташиб келтириш учун сарфланаётган маблағнинг бир қисмини харид нархларини оширишга йўналтирилганда эди, водий аҳолисининг картошка ва сабзавот билан таъминланиши анча яхшиланар, Фарғона водийсининг ўз-ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмаслик тенденциясига барҳам берилган бўларди.

Собиқ совет республикалари ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги натижасида Ўзбекистон ва унинг иқтисодий районларилан бири бўлган Фарғона иқтисодий райони кўп зарар кўрди. Фарғона водийси ўз-ўзини етарли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмайдиган шароитда ҳам Иттифоқнинг бошқа республикаларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жўнатишга мажбур эди. Жумладан, 1987 йилда биргина Фарғона вилоятидан собиқ Иттифоқнинг бошқа ҳудудларига 97 минг тонна мева ва полиз маҳсулотлари жўнатилди [11]. Фарғона водийси вилоятлари аҳолисининг истеъмол даражаси Ўзбекистон ва Иттифоқ кўрсаткичларидан бир неча маротаба паст бўлишига, гўшт, сут, мева маҳсулотларини энг кам истеъмол қилишига қарамасдан, ўз рисқ-рўзини ҳам ўзгаларга инъом этиши режалаштириб қўйилган эди.

Бир неча ўн йиллар давомида таркиб топган ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва ривожлантиришдаги номутаносибликлар, гарчи Фарғона водийсида саноат корхоналарининг катта фоизи жойлаштирилган бўлса ҳам, иқтисодиётни ривожлантириш, вужудга келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкониятини бермади. Бунга, асосан, ишлаб чиқаришнинг ўта бир томонлама, яъни хом ашё тармоғини ривожлантиришга йўналтирилганлиги сабаб бўлди.

Фарғона водийсида юзага келган ижтимоий-иқтисодий тангликнинг яна бир сабабларидан бири вилоятлар ҳудудида жойлашган умумиттифоқ ва республикага қарашли вазирликлар ва идораларга бўйсунувчи корхоналар, бирлашмаларнинг маҳаллий бюджетга маблағ ажратмаслигида эди [12]. Натижада давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар аҳолининг энг зарур ижтимоий-маиший эҳтиёжларини ҳам қондира олмасди. Масалан, Фарғона вилояти аҳолисининг жон бошига ноишлаб чиқариш соҳасига тўғри келадиган капитал маблағлар бир йил давомида 48 сўмни ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич Белоруссия ССРда 205 сўмни, Болтиқбўйи республикаларида 214-242 сўмни

ташкил этарди [13]. Натижада Фарғона водийси аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи йиллар давомида ёмонлашиб, зиддиятлар кучаяверди.

Умуман, XX аср 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб саноатнинг етакчи тармоғи ҳисобланган соҳаларда пасайиш кузатилди. Баъзи йилларда нисбатан ўсиш юз берган бўлса-да, ушбу ҳолат кейинги йилда яна аввалги даражасига пасайди.

Фарғона водийси вилоятларида пахта яккахокимлигининг қарор топганлигидан нафақат қишлоқ хўжалиги, балки саноат ҳам зарар кўрди. Чунки пахта яккахокимлиги шароитида хом ашёни етиштирувчилар эмас, балки уни қайта ишловчилар манфаатдор ҳисобланади. Олимларнинг ҳисоб-китоблари шуни кўрсатмоқдаки, XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистондан бошқа регионларга олиб чиқиб кетилган пахта толаси баҳосида 65 миллиард сўмдан ортиқ умумлашган ижтимоий маҳсулот ва 25 миллиард сўмликка яқин миллий даромад ҳосил қилинган эди. Бироқ ушбу маблағлар республика бюджетини шакллантиришда қатнашмаган [14]. Натижада ушбу ноиқтисодий алоқалардан Ўзбекистонда етиштириладиган пахта хом ашёсининг 30 фоизини берадиган Фарғона водийси вилоятлари катта зиён кўриб, ижтимоий-иқтисодий аҳволи ночор аҳволга тушиб қолди.

Аввалги ўн йилликларда бўлганидек, XX асрнинг 80-йилларида ҳам ялпи саноат маҳсулотлари таркибида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг озлиги Фарғона водийси аҳолисининг энг муҳим эҳтиёжларини қондириш имконини бермади. Биргина Фарғона вилоятида ҳар йили 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани ҳолда, 300 миллион сўмлик маҳсулот истеъмол қилинар эди [15]. Натижада Фарғона вилоятига ҳар йили 1200 дан ортиқ маҳсулот турлари Иттифоқ ва республиканинг турли регионларидан олиб келинар эди [16]. Жумладан, 1988 йилда Фарғона вилоятига республика ташқарисидан 8502 номдаги 45 миллион сўмлик ана шундай маҳсулотлар келтирилди [17]. Бу ҳолат водийнинг бошқа вилоятларида ҳам кузатилиб, ҳар йили Андижон вилоятига 100 турдан зиёд [1.В.57], Наманган вилоятига 120 хил оддий халқ истеъмол маҳсулотлари келтирилиб турилган [1.В.2]. Ушбу маҳсулотлар орасида ҳар куни эҳтиёж сезиладиган оддий маҳсулотлар, жумладан, Украинадан ҳар донаси 2 сўм турадиган чекич, Латвиядан 10 донаси 1 сўм турадиган тикув игнаси, РСФСРдан ҳар донаси 2 сўм 50 тийин турадиган белгурак сопи, Литвадан ҳар донаси 10 тийин турадиган қисқич каби маҳсулотлар [20] ҳам кўп бўлиб, уларни маҳаллий хом ашё ва чиқиндилардан тайёрлаш имконияти бор эди. Лекин бу имкониятлар ва эҳтиёжлар эътиборга олинмади.

Узоқ йиллар давомида Фарғона водийси вилоятларида саноатнинг бир томонлама ривожланиши озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш йўлига тўғоноқ

бўлди. Айниқса, аҳоли жон боши ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотларининг энг муҳим турлари, жумладан, гўшт, сут, тухум, сабзавот ва полиз маҳсулотлари ишлаб чиқариш XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб етарли даражада бўлмади. Ушбу маҳсулотларнинг баъзи турларини ишлаб чиқаришда айрим йилларда ўсиш кузатилган бўлса-да, аксарият кўрсаткичлар республика ўртача кўрсаткичидан анча орқада қолган эди [1.B.12-16]. Натижада ушбу даврда аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражасининг ёмонлашуви кузатилди. Мазкур йилларда Фарғона водийси вилоятларида аҳоли жон боши ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишнинг собиқ СССР ва Ўзбекистон билан қиёслаб, қуйидагича маълумотларга эга бўламиз:

XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида аҳоли жон боши ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишнинг солиштирма даражаси – СССР, Ўзбекистон ва Фарғона водийси вилоятлари бўйича[22.B.12-16]**.**

(аҳоли жон бошига бир йилда қанча килограмм тегиши ҳисобида)

	гўшт	сут	тухум (дона)	картошка	сабзавот ва полиз
СССР	64	341	272	105	-
Ўзбекистон ССР	30,95	193,5	114,5	25,5	98
Андижон вилояти	17,45	140,1	82,5	13,5	88,8
Наманган вилояти	17,95	132,75	65	34,3	127,45
Фарғона вилояти	23,65	172,3	115,5	27,3	83,6

Жадвалдаги рақамлардан кўриниб турибдики, Фарғона водийси вилоятлари аҳолисининг жон боши ҳисобига озиқ-овқат истеъмол қилиши, СССР ўртача даражасидан бир неча маротаба паст бўлиши билан бир қаторда, кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш бўйича ҳам Ўзбекистон ўртача даражасидан ҳам анча паст кўрсаткичга эга эди. Шу билан бирга, Фарғона водийси аҳолиси истеъмолида баъзи озиқ-овқат турларида (Фарғона – тухум маҳсулоти; Наманган, Фарғона – картошка маҳсулоти; Наманган – сабзавот ва полиз маҳсулотлари) республикадаги ўртача даражага нисбатан баъзи ижобий кўрсаткич ҳам кўзга ташланади. Шундай бўлса-да, ушбу озиқ-овқат кўрсаткичларидаги “юқори даража” ҳам, умуман олганда, инсон саломатлиги

билан шуғулланувчи тиббиёт муассасаларининг Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир кишига истеъмол қилиши зарур бўлган озиқ-овқатнинг медицина нормасидан анчагина паст эди [23.B.16]**.** Шу билан бирга статистика кўрсаткичларида аҳоли жон боши ҳисобига озиқ-овқат истеъмол қилиш даражаси умумий тарзда Фарғона водийси аҳолиси бўйича ҳисобланган. Қишлоқ аҳолисининг истеъмол даражаси эса юқоридаги кўрсаткичлардан анча паст эди. Жумладан, бир йил мобайнида қишлоқ аҳолиси жон бошига атиги 8 килограмм гўшт тўғри келган. Бу кўрсаткич Белоруссиядагига нисбатан 14 баравар камдир [24]. Буларнинг барчаси аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир қилиб, Фарғона водийсидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни танглик ҳолатига келтириб қўйган эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Фарғона вилоят бўлими (бундан кейин – ЎзР ПДА ФВБ), 1-фонд, 301-рўйҳат, 210-йиғма жилд, 42-варақ.
2. Основные показатели социально-экономического развития Каракалпакской АССР, областей и г.Ташкента за годы двенадцатой пятилетки. Статистический сборник. – Ташкент: 1990, – С. 19, 56, 107.
3. Она табиатни асрайлик // Коммунист, 1989 йил, 19 май №95 (16006).
4. Ғофуров А, Шарипов М. Областимиз хўжалик ҳисобига ўтишга тайёрми? // Коммуна, 1989 йил, 15 декабрь, №240 (18863).
5. Андижон вилояти давлат архиви (бундан кейин – АВДА), 608-фонд, 2-рўйҳат, 2023-йиғма жилд, 56-варақ.
6. Табиий-иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланайлик // Коммуна. 1988 йил, 5 март, №46 (18419).
7. АВДА, 608-фонд, 2-рўйҳат, 2023-йиғма жилд, 54-варақ.
8. Наманган ҳақиқати. 1987 йил, 11 июнь. №134 (13708).
9. Наманган ҳақиқати. 1987 йил, 11 июнь. №134 (13708).
10. Пахта нархи қандай бўлиши керак? // Коммуна. 1989 йил, 3 ноябрь №211 (18834).
11. Коммуна. 1987 йил, 21 август, №162 (18285).
12. Ғофуров А, Шарипов М.Областимиз хўжалик ҳисобига ўтишга тайёрми? // Коммуна. 1989 йил, 15 декабрь, №240 (18863).
13. Ғофуров А, Шарипов М. Областимиз хўжалик ҳисобига ўтишга тайёрми? // Коммуна. 1989 йил, 15 декабрь, №240 (18863).
14. Файзиев Р.Ф. Пахта якка зироатчилигининг социал-иқтисодий оқибатлари // Коммунист. 1990 йил, 22 март (№57 (16218).

15. Фарғона вилоят давлат архиви (бундан кейин – ФВДА), фонд-1124, рўйҳат-15, йиғма жилд-535, варақ-49.

16. Коммуна. 1988 йил, 8 декабрь, №235 (18608).

17. Коммуна. 1989 йил, 24 март, №58 (18681).

18. АВДА, 608-фонд, 2-рўйҳат, 2023-йиғма жилд, 57-варақ.

19. Наманган вилоят давлат архиви (бундан кейин – НВДА), 275-фонд, 2-рўйҳат, 686-йиғма жилд, 2-варақ.

20. Коммуна. 1989 йил, 24 март, №58 (18681).

21. Некоторые показатели социально-экономического развития Каракалпакской АССР, областей и г.Ташкента в двенадцатой пятилетке. – Ташкент. 1990, - Б. 12-16.

22. Некоторые показатели социально-экономического развития Каракалпакской АССР, областей и г.Ташкента в двенадцатой пятилетке. – Ташкент: 1990. – С. 12-16.

23. Эшчонов К. Мўл-кўлчилик негизи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – Б. 16.

24. Файзиев Р.Ф. Пахта якка зироатчилигининг социал-иқтисодий оқибатлари // Коммунист. 1990 йил, 22 март (№57 (16218).